

ТОҶИКИСТОН НАВОИЙШУНОСЛИГИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Феруза Қаюмова,

Хўжанд давлат университети доценти

Амир Алишер Навоий комил шахсият ва етук ижодий тимсол сифатида жаҳон адабиёти ва адабиётшунослигида муҳим ўрин тутган бетакрор мутафаккирлардан биридир. Шу туфайли унинг ҳаёти ва адабий-илмий мероси тўғрисидаги маълумотлар шоирнинг ҳаётлик чоғларидан бугунга қадар жуда кўп тарихий, адабий, илмий ва бадиий манбаларда батафсил ёритилган. Бундан ташқари замонавий адабиётшуносликда, хусусан ўзбек адабиётшунослигида Навоий ижоди турли жиҳатлардан кенг миқёсда ўрганилганлиги ва бу жараённинг салмоқли давом этаётганлиги таҳсинга сазовордир.

Навоий шахсияти ва ижодига қизиқиш ва бу борадаги тадқиқотлар нафақат ўзбек олимлари, балки дунё шарқшунос ва адабиётшунослари учун ҳам муҳим аҳамият касб этиб, бу борада амалга оширилган ишлар кўлами ва натижалари барчамизга маълумдир. Жумладан, тожикистонлик адабиётшунос олимлар тадқиқотлари таркибида ҳам Навоий шахсияти, адабий мероси ва форс-тожик адабиётидаги ўрни тўғрисида кўплаб изланишлар ва самарали тадқиқотларни кузатишимиз мумкин. Таъкидлаш жоиз, Тожикистонда шўро давридан ҳозирги кунгача амалга оширилган тадқиқотлар, ундаги Навоий шахсиятига бўлган муносабатлар негизида айнан ўрта асрларга тегишли форсий манбалардаги маълумот ва муносабатларга таяниш кузатилади. Хусусан, Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, Фахрии Ҳиравий, Хондамир ва шулар каби Навоийга замондош ва кейинги асрларда яшаган адиб ва донишмандлар томонидан билдирилган илиқ фикрлар, эҳтиром ва ихлос ҳисси шўро даври ва бугунги тожик адабиётшунослигида яққол сезилади.

Тожикистондаги навоийшунослик том маънода Садриддин Айний номи ва у амалга оширган салмоқли тадқиқотлар билан боғлиқдир. С. Айний ўз таржимаи ҳолида қайд этишига кўра, ўсмирлик даврида унинг қўлида отаси томонидан кўчирилган Навоий девонининг нусхаси бўлиб, у ёшлигидан шу девонни ўқиб тушунишга ва туркий шеърятни англашга уринар эди(7).

Устоз Айнийдан бошлаб бугунги кунга қадар тожикистонлик тожик ва ўзбек адабиётшунослари томонидан Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ кўплаб тадқиқотлар амалга оширилиб, монография ва мақола шаклида нашр этирилган. Адабиётшунослар Э. Шодиев (1990) ва Б. Мақсудов (2021) ўз мақолаларида Тожикистондаги навоийшунослик жараёни тўғрисида библиографик маълумот бериб ўтишган (27-28). Профессор Б. Мақсудов С.

Айний, А. Мирзоев, Ш. Хусейнзода, У. Каримов, С. Воҳидов, Р. Мусулмониён, А. Афсаҳзод, А. Хуросонӣ, М. Аминзода томонидан амалга оширилган тадқиқотлар, ижодий ёндашувлар, таржималар тўғрисида тўхталган (14). Аммо бу мақолада негадир кейинги давр навоийшунослиги, хусусан, Хўжанд илмий муҳитида амалга ошилган ва оширилаётган тадқиқотлар, тўғрисида маълумот берилмаган, шу сабабли мазкур мақолани тўлдириш ва тожикистондаги навоийшунослик жараёни ҳақида тўлиқроқ тасаввур яратиш мақсадида бугунгача амалга оширилган яна бошқа ишлар кўлами ва йўналишлари тўғрисида тўхталиб ўтишга қарор қилдик.

Б. Мақсудов санаб ўтган навоийшуносликда муҳим тадқиқотлар олиб борган юқорида номлари келтирилган олимларимиздан ташқари устозларимиз Э. Шодиев, Ҳ. Мамадов, Ҳ. Мирҳайдаров, А. Каримов, А. Абдуқодиров, А. Насриддинов, А. Худойдодов, Б. Мақсудов, Н. Нуров ва яна бир қатор ёш олимларни тилга олишимиз мумкин.

Маълумки, Тожикистонда кўплаб ўзбек миллати вакиллари яшайдилар ва улар орасида шу тилда ижод қиладиган шоир ва олимлар талайгина. Хусусан, Суғд вилоятидаги Хўжанд давлат университетида ўзбек филологиясининг мавжудлиги йиллар давомида етук ўзбекзабон адабиётшунослар камол топишида салмоқли хизмат қилиб келмоқда. Бу илмий мактаб раҳнамолари сифатида Э. Шодиев, Ҳ. Мамадов, А. Абдуқодиров каби умрини таълим ва адабиётга бағишлаган устозлар номини ифтихор билан тилга олиш мумкин. Ушбу мактаб давомчилари сифатида сўнгги йилларда фаъолият олиб бораётган адабиётшуносларимизнинг кўпчилиги Навоий билан боғлиқ кўпгина мақола ва айрим тадқиқотлар муаллифидирлар. Жумладан, тилшунос олим Ҳ. Мамадов тадқиқотларида Навоий асарларининг лексик хусусиятлари масаласи атрофлича ўрганилган (16). Тилшунос устоз Аҳмаджон Каримов Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” асарининг семантик-лексик жиҳати” ни ўрганган. Устоз Каримов бундан ташқари икки жилдлик “Фарҳод ва Ширин” луғатини нашрга тайёрлаган (12).

Қайд этиш лозим, Тожикистон навоийшунослиги ривожланишининг кейинги босқичида ривожланишида профессорлар Э. Шодиев ва А. Абдуқодировнинг салмоқли хизматлари бор. Бу икки олимнинг барча илмий ишларининг энг катта ҳиссасини Навоийга оид тадқиқотлар ташкил этади (Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилади). Шу билан биргаликда ўзбекистонлик олимлар ва олийгоҳлар билан илмий ҳамкорликлар қилиб, икки юрт орасида дўстлик кўприги вазифасини ўтаганлар.

Шундай қилиб, бизга маълум бўлган ва қўлимизга етиб келган материалларни ўрганиш натижасида тожикистондаги навоийшуносликка оид манбаларни қуйидаги йўналишларда эканлигига гувоҳ бўлдик:

1. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига оид умумий қарашлар (адабиёт тарихини ўрганишда, ўша давр адабиёти ҳақида сўз кетганда)
2. Алишер Навоий ва тожик классик адабиёти масаласи
3. Навоий асарларининг нашри ва таржимаси

Айтиш мумкинки, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги умумий маълумотлар Садриддин Айнийнинг “Намунаи адабиёти тоҷик” тазкираси ва “Алишер Навоий” монографиясида муфассал ёритилиб, кейинги тадқиқотларга манба сифатида хизмат қилган ва асосан бу йўналиш адабиётшунос, 16-18 асрлар тадқиқотчиси У. Каримов илмий ишларида ва Навоийга доир илмий иш олиб борган ҳар қандай тадқиқотчи бу манба ва йўналишдан фойдаланган.

Тожикистон навоийшунослигининг энг муҳим жиҳати Навоий ижодини форс-тожик адабиёти классиклари билан боғлиқ ҳолда ўрганишдир. Дарҳақиқат, Навоий ижодини ўрганишда бу жиҳат муҳим аҳамият касб этади, зеро Навоий ижодини унинг салафлари ижоди билан қиёслаб ўрганиш шоир асарларининг манбалари ва таъсирланиш омилларини ёритишда муҳим рол ўйнайди. Жумладан, Айнийнинг “Навоий ва тожик адабиёти” мақоласи, А. Мирзоевнинг “Алишер Навоий ва Абдурахмони Жомий”, “Фонӣ ва Ҳофиз”асарлари ва шу мавзудаги бир нечта мақолалари (17-18), “Бинойӣ” (1957) монографиясининг (19) “Бинойӣ ва Навоий” деб номланувчи иккинчи бобини ва Ш. Ҳусейнзода, С. Воҳидов, Р. Мусулмонқулов, А. Афсаҳзод, А. Хуросоний, Э. Шодиев, А. Абдуқодиров қаламларига мансуб бир нечта мақола ва илмий рисоаларни мисол келтиришимиз мумкин.

Ш. Ҳусейнзоданинг ўзбек классик ижодкорларининг асарларини нашр қилиш, жумладан, буюк зуллисонайн шоир Мир Алишер Навоий асарларини нашр этишда хизмати катта. Профессор Б. Мақсудов мақоласида келтирилган маълумотларга кўра, Ш. Ҳусейнзода “Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонини тожик олими Амин Умарий билан бирга нашрга тайёрлаган ва бу нусха бир неча маротаба нашр бўлган. (Тошкент: Ўз. фан нашти, 1941; 1949; 1971). 1941 йилда Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини адабиётшунослик нуқтаи назаридан талқин қилиб, муфассал мақола тарзида нашр этган. Хусусан, шу йили “Навоий ва Жомий” мақоласи ушбу икки ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлигини кўрсатувчи манба сифатида нашр этилди. (“Тоҷикистони сурх”, 1948, 14 май). Ш. Ҳусейнзода

1948 йил Сталинободда (Душанбе) "Фарҳод ва Ширин" достонини ўзбек тилига, муқаддима ва шарҳлар билан (307 бетда) чоп этди"(14, 51)

Ўтган асрнинг 60-йиллари навоийшунослигининг етук вакилларида бири – адабиётшунос олим Султон Воҳидов эди. Унинг тадқиқоти асосан "Хамсат ул-мутаҳаййирин" достони билан боғлиқ бўлиб, XV асрда тожик ва ўзбек халқларининг адабий алоқалари, Навоийга нисбатан замондошлари муносабати масаларини кенг ўрганган. Шунингдек, Тожикистон Совет Энциклопедиясидаги "Навоий", "Фоний" ва "Мажолис-ун-нафоис" мақолалари С. Воҳидов томонидан тайёрланган (10).

Раҳим Мусулмонкулов ҳам Навоий ва унинг баъзи асарларига оид тадқиқотлар олиб борган. Унинг мақолаларида Навоий асарларидаги ҳикматларга эътибор қаратилиб, шоир ижоди Фирдавсий, Носир Хусрав, Шайх Аттор, Саъдий, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз, Ибни Ямин Мавлоно Жомий, Камол Хўжандий каби устоз шиорлар билан боғлиқ ҳолда, шунингдек, шоир шеърларининг вазни масаласи ҳам ўрганилган(21).

1991 йилда А. Афзаҳзоднинг "Навоий ва адабиёти форс-тоҷик" ўта батафсил мақоласи шоирнинг 550 йиллиги муносабати билан нашр қилиниб, шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ кўплаб масаларни тадқиқ этади. Бундан ташқари А. Афзаҳзод Абдурахмон Жомий ижодининг энг сермахсул тадқиқотчиси сифатида шоирнинг "Лайли ва Мачнун" достонини ўрганади ва бу тадқиқот жараёнида Навоийнинг достони билан қиёслаб, Навоийнинг шоирлик ва новаторлик маҳоратини юксак баҳолайди (8-9).

Тожикистонлик яна бир навоийшунос олим Али Муҳаммад Хуросоний бўлиб, у Навоий ва Жомий муносабатлари, Фонийнинг Хусрав Дехлавий ва Ҳофиз Шерозийдан таъсирланиш масалалари, Низомий ва Навоий, умуман Навоийнинг форсий шеърларидаги салафлари, қасидаларининг бадий хусусиятлари ва шу каби муҳим масалалар тўғрисида бир нечта мақолалар эълон қилган. Бундан ташқари "Девони Фоний"нинг нашр қилинишида хизмати каттадир. Олимнинг ушбу илмий натижалари унинг тожикистонлик навоийшунослар орасида муҳим мавқега эга эканлигини исботлайди (14- 23).

Э. Шодиев Тожикистондан навоийшунослик мактабини муваффақият билан давом эттирган, адабий алоқалар тарихини ўрганиш, ноёб қўлёзмаларни топиб, илм аҳлига ҳавола этиш борасида самарали хизмат қилган сермахсул олим саналади. Унинг қаламига мансуб юзлаб мақолалар орасида Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ материаллар жуда кўп учрайди. Э. Шодиевнинг навоийшунослик борасидаги тадқиқотининг асосий мавзуси тожик классик адабиёти билан боғлиқдир. Унинг бу мавзудаги "Алишер Навоий ва форс тожик адиблари", "Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари" рисоалари

бу борадаги энг муҳим масаларни қамраб олган. Масалан, “Алишер Навоий ва форс тожик адиблари” монографиясида Алишер Навоий ва адабий алоқалар, Навоийнинг салафлари, замондошлари ва кейинги аср тожик шоирларининг Навоийга муносабати ва ўзаро таъсир масалалари ўрганилган(28-29).

Таниқли адабиётшунос, профессор Абдусалом Абдуқодиров ҳам Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ бир нечта илмий рисолалар ёзган. Жумладан, у “Навоий ва нақшбандия”, “Навоий ва ваҳдат-ул-вужуд”, “Навоий ва унинг салафлари ижодида ваҳдат-ул-вужуд тимсоли”, “Мавлоно Жомий ва Амир Алишер Навоий”, “Тасаввуф ва Алишер Навоий ижоди”, “Амир Алишер Навоий ва тожик мумтоз шоирлари” каби асарлар ва шу мавзуга оид ўнлаб мақолалар муаллифи бўлиб, ушбу асарлар олимнинг бу борадаги изланишлари йўналиши ва натижасини ифодалайди(1-2-3).

Навоий асарларини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш жараёнининг ибтидосида ҳам С. Айний туради, яъни 1940 йилда Навоийнинг “Хамса” дostonларини ҳам устоз Айний сўзбоши ва луғат иловалар билан чоп этган. Ундан ташқари “Алишер Навоий” монографиясида ҳам Навоийнинг форсий ғазалларидан намуналар чоп этган (Устоз Айнийнинг кўлида Девони Фонийнинг асл нусхаси йўқлиги туфайли Фоний Кашмирийга тегишли баъзи ғазаллар ҳам киритилганлиги кейинроқ исботланган) (14, 49).

Шоирнинг “Хамса-ул-мутаҳаййирин” асари ҳам 1961 йилда А. Маниёзов томонидан тожик тилига таржима қилиниб, сайланма сифатида нашр қилинган(24).

Кейинчалик тожик адабиётшуноси Абдулғани Мирзоев “Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий” номли асари таркибида ҳам Жомийнинг “Луччат-ул-асрор” қасидаси ва Навоийнинг “Тўхфат-ул-афкор” қасидаларининг тўлиқ матни, шунингдек, Жомийнинг ўнта ғазали ва шу ғазалларга Навоийнинг жавобия ғазаллари матни келтирилган.

Шоирнинг “Девони Фоний” сининг илмий танқидий матни Али Муҳаммад Хуросоний томонидан нашрга тайёрланган (23).

Шунингдек, “Фарҳод ва Ширин” дostonининг XX асрнинг иккинчи ярмида Муҳиддин Аминзода томонидан тожик тилига таржима қилинган(22). Ушбу таржима услуб, вазн, бадий тасвир воситалари ва шоирона маҳорат бобида аслиятга жуда яқин таржима сифатида эътироф этилган бўлиб, бу борада адабиётшунос В. Раҳмоннинг муфассал мақоласи ҳам эълон қилинган. Ушбу таржима 2021 йилда Хўжанд давлат университетида адабиётшунослар В. Раҳмон, С. Саидов ва Ф. Қаюмовалар томонидан икки тилда, яъни асл матн таржимаси билан бир китоб таркибида нашр қилинди(23).

Навоийнинг “Махбуб-ул-кулуб” асари таржимон Караматулло Олимов томонидан тожик тилига ўгирилиб, кенг оммага тақдим этилган.

Бундан ташқари Тожикистон шўро даври матбуотида ҳам Навоийнинг тожик ва ўзбек тилидаги шеърлари, ҳикматлари, дostonларидан парчалар нашр қилиб келинган (29, 90).

Кейинги пайтларда адабиётшунос Бадриддин Мақсудов томонидан Навоий девонининг яна бир қўлёзмаси топилганлиги ҳақида ҳам хабар берилган (13).

Бугунги кунда ҳам Тожикистонда навоийшунослик жараёни давом этмокда, олимларимиз Б. Файзуллоев Навоий ижодида татаббуъ масаласини, М. Суюнов Ҳофиз Шерозий ва Алишер Навоий ижоди қиёслаб ўрганган. Н. Нурзод Навоийнинг “Туҳафат-ул-афкор” қасидасини Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Бедилнинг шу йўсиндаги қасидалари билан солиштириб, натижасини бир неча мақола шаклида эълон қилган. Бундан ташқари бу муҳаққиқ Навоийнинг форсий девонига кирмаган баъзи ғазалларини манбалардан топиб, бу девоннинг энг мукамал нусхасини тайёрлаш мақсадида изланишларни давом эттирмокда (25). О. Абдуллаев “Алишер Навоий ва Амир Хусрави Дехлавий ижодининг қиёсий таҳлили”, Ф. Қаюмова “Мантиқ-ут-тайр” ва унинг туркий жавобиялари” мавзусида илмий тадқиқотларни амалга оширганлар. М. Ойматованинг номзадлик диссертатсиясида Алишер Навоий ижодида фардларнинг ўрни масаласи ўрганилган.

Яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, шўро даврида ҳам, мустақиллик даврида ҳам Навоийнинг таваллуд айёми арафасида, шунингдек, юбилейлари муносабати билан Тожикистонда халқаро илмий конференциялар ташкил қилиниб, анжуман материаллари тўплам сифатида чоп этириб келинади. Ушбу тўпламларга ҳам тожикистонлик, ўзбекистонлик ва бошқа давлат олимларнинг Навоий ижоди билан боғлиқ ўта муҳим масалалари ўрганилган мақолалар киритилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Тожикистонда Навоийни ўрганиш кенг қамровга эга бўлиб, материаллар кўлами шуни кўрсатдики, бир мақола ҳажмида амалга оширилган ишлар ҳақида тўла маълумот бериш имкони йўқдир. Шу сабабли биз энг муҳим ва ҳажми катта ишлар тўғрисида қисқача тўхтала олдик холос, баъзи ҳолатларда манбаларга ишора қилиш билан кифояландик. Келажакда ўзбекистонлик навоийшунослар билан илмий ҳамкорликда яна-да муҳим ишларни амалга ошириш имкони мавжуддир.

Манба:

1. Абдуқодиров А. Амир Алишер Навоий ва мумтоз тожик шоирлари. – Хўжанд: Хуросон, 2007. – 84 б.
2. Абдуқодиров, А. Амир Алишер Навоий. – Тошкент: Баёз, 2022. – 254 б.

3. Абдуқодиров, А. Навоий ва вахдат-ул-вужуд таълимоти. – Хўжанд: Нури маърифат, 1995. – 98 б.
4. Абдуллаев В., Валихўжаев Б., Шукуров Ш.. Навоийшуносликнинг муҳим ютуғи // Шарқ юлдузи, 1966, 9-сон, 183-188-бетлар.
5. Айний, С. *Алишер Навоӣ*. – Сталинобод: Нашриёти давлатии Тоҷикистон, 1948. – 267 с.
6. Айний. Алишер Навоӣ. Душанбе. Нашриёти Давлати Тоҷикистон, 1948.С. 181-182.
7. Айний, С. Мухтасари тарҷимаи ҳоли худам. – Душанбе: Адабиёти бачагона, 2023. – 128 саҳ.
8. Афсаҳзод, А. *Шоирӣ забардаст ва мутафаккири бузург*: Ба муносибати 525-солагии таваллуди Алишер Навоӣ // Мактаби советӣ. – 1968. – №9. – С. 8-12.
9. Афсаҳзод, А. Достони “Лайлӣ ва Мачнун”-и Абдурраҳмони Ҷомӣ. – Душанбе: Дониш, 1970. – 203 саҳ.
10. Воҳидов С. и “Равобити адабии халқҳои тоҷик ва ўзбек дар асри XV” (дар асоси “Хамсат-ул-мутаҳаййирин”-и Навоӣ) Душанбе: Ирфон, 1974. – 130 саҳ.
11. Воҳидов, С. *Инъикоси дӯстӣ ва робитаҳои илмию адабии Ҷомӣ ва Навоӣ дар «Хамсат-ул-мутаҳаййирин»* // Равобити адабии халқҳои тоҷик ва ўзбек дар асри XV. – Душанбе, 1974. – С. 88-114.
12. Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы “Фархад и Ширин” Алишера Навои. Ташкент, 1973.
13. Маводи ҳамоиши байналмилалӣ: “Амир Алишери Навоӣ ва адабиёти тоҷик”. -Хучанд: Маънавият, 2016. – Саҳ. 4-17
14. Мақсудов Б. Тоҷикитонда навоӣшунослик//Алишер Навоӣ. – Тошкент, 2021, №1. – саҳ. 47-56.
15. Мақсудов Б. Як нусхаи дастнависи тоза дарёфтшудаи девони Навоӣ ва арзиши он. Маводи ҳамоиши байналмилалӣ: “Амир Алишери Навоӣ ва адабиёти тоҷик”. -Хучанд: Маънавият, 2016. – Саҳ. 4-17
16. Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои. Ташкент, 1969.
17. Мирзоев А. Алишер Навоӣ ва Абдураҳмони Ҷомӣ.- Душанбе: Ирфон, 1968.- 48 саҳ.
18. Мирзоев А. Фонӣ ва Ҳофиз. – Душанбе : Дониш, 1968.
19. Мирзоев А. Камолиддини Биноӣ. – Сталинобод, 1957. – 291 саҳ.
20. Мирзоев, А. Чашни марди бузург // Садои Шарқ, №8, 1966.С.109.
21. Мусулмонқулов, Р. *Сарчашмаҳои форсӣ дар арӯзи Навоӣ* // Аҳбороти АФ РСС Тоҷикистон. Серии шарқшиносӣ, таърих филология. – 1991. – №3 (23). – С. 3-6.
22. Навоӣ, А. Фарҳод ва Ширин (Тарҷумаи М. Аминзода). – Душанбе: Наш.давт.Тоҷ, 1958. - 240 саҳ.
23. Навоӣ, А. Фарҳод ва Ширин (бо сарсухани В. Раҳмон). - Хучанд: Нури маърифат, 2022.- 540 саҳ.

24. Навоӣ, А. Амир Алишерӣ Фонӣ, Девони форсӣ (Мураттиб ва муаллифи сарсухани Алиӣ Муҳаммадӣ).- Душанбе: Ирфон, 1993. – 320 саҳ.
25. Навоӣ, А. Ҳамсат-ул-мутаҳаййирин /интиҳоб ва тарҷумаи А. Маниёзов. - Душанбе: Наш.дав.Тоҷ, 1961.
26. Нурзод, Н. Сохторшиносӣ ва шиносии сарчашмаҳои таълифи қасидаи “Тухфат-ул-афкор”-и Мир Алишерӣ Навоӣ//Суханшиносӣ. – Душанбе, 2023, №1. – 69-83.
27. Худойдодов, А. *Муносибату истифодаи Навоӣ-Фонӣ аз ғазалиёти Ҳофиз* // Ахбороти АФ РСС Тоҷикистон. Серияи шарқшиносӣ, таърих филология. – 1991. – №3(23). – С. 6-13.
28. Шодиев Э. Алишер Навоӣ ва форс-тоҷик адиблари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – 112 б.
29. Шодиев Э. Алишер Навоӣнинг форс-тоҷик тилидаги асарлари. – Тошкент: Фан, 1990. – 102 б.